



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 27 июнь, № 124 (4277)

Чоршанба

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий матбуотимиз ривож йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, компьютер ва ахборот технологиялари йуқларининг шитоб билан кириб келиши, интернет тизимига улашиш, республикада ноширлик, полиграфия фаолияти замоннинг энг юқори талаблари даражасида ташкил этилаётганлиги бу соҳадаги ишларни тубдан ўзгартириб юборди.

## МИЛЛИЙ МАТБААЧИЛИГИМИЗ ДАРҒАСИ

Бу борада, айниқса, «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси эришган ютуқларни ҳар қанча фахрлиниб тилга олсак арзийди. Ушбу компания ҳозирги кунда матбаачиликнинг деярли барча йўналишларида энг аъло маҳсулотлари билан халқимизни мамнун этмоқда. Компания газеталар, журналлар нашридан ташқари, энг замонавий талабларга

жавоб бера оладиган бадний, ўқув-услубий адабиётларни кўплаб адабларда чоп этаётти. «Шарқ» чоп этган рангли альбомлар, ҳатто халқаро кўрғазмаларда юксак совринларга сазовор бўлмоқда. Ҳозирги рақобат шароитида компания жамоаси ўз фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини энг замо-



навий техника ва технологиялар билан бойитиш устида қизғин меҳнат қилаётти. Қорхона бағрида рангли газеталар, бир-бирдан нафис бошқа матбаавий маҳсулотлар чиқара оладиган замонавий машиналар ва ускуналар тобора кўпаймоқда. 2007

йилда «Шарқ» компанияси 9 миллиард сўмлик ҳажмда турли мил матбаачилик маҳсулотларини элимизга тақдим этишни режалаштирган.

**СУРАТЛАРДА:** қорхона ҳаётидан лавҳалар. Темур ҚҮРБОНБОЕВ олган суратлар.

## АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Исломи Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари 26 июнь куни «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўплаб соҳаларда, жумладан, энергетика соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Афғонистон давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Меҳмон Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларида энг фаол катнашаётган давлатлардан бири эканлигини қайд этди. Икки мамлакат ўртасида-

ги муносабатларда электр энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Афғонистонга узатилаётган электр энергияси ҳажмини янада ошириш имкониятига эга. 2006 йилнинг ноябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Афғонистонга электр энергияси етказиб беришни янада кўпайтириш имконини яратадиган Хайратон ва Сурхон подстанциялари-

ни қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

— Афғонистоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда Ўзбекистон билан йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик муҳим ўрин тутди, — деди Муҳаммад Исмоилхон. — Биз бу ҳамкорликни жуда қадрлаймиз ва уни изчил давом эттиришдан манфаатдоримиз.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидаги мулоқот чоғида бу борадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, икки томон учун фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Корея Республикаси Халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOICA вакилларининг мазкур академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.

## АКАДЕМИЯДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров бошқарган учрашувда мамлакатимиз билан Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, сибсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимиз Исломи Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўша декларация имзоланган эди. Айни пайтда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик стратегик шериклик тамойиллари ҳам ривожда изчил мустақамланиб бормоқда.

Давлат ва жамият қурилиши академияси 1997 йилдан бунён KOICA билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи олимлари мазкур академия тингловчилари ҳузурида турли фанлар бўйича марузалар ўқийди. Академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг Корея Республикасида малака ошириши ҳам йўлга қўйилган.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига компьютерлар тақдим этилди.

Учрашувда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кёнг Джэ Мин иштирок этди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.

## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикасининг «Фриденздорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари Сурхондарё вилоятида ногирон ва бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

Мазкур ташкилот 2002 йили имзоланган битимга биноан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда юртимизнинг турли ҳудудларида ҳармақдаси даволанишига эҳтиёжи бор болаларни

тиббий кўриқдан ўтказиш йўли билан танлаб олади. Бунда тўғма нуқсонли ва куйиш асоратлари бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу сафар делегация вакиллари Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида болаларни ана шун-

дай тиббий кўриқдан ўтказишни режалаштирган.

Илгирмадан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатадиган «Фриденздорф» Интернейшнл» Европанинг чет эллик болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган кўплаб клиникалари билан яқин алоқа ўрнатган. Ушбу ташкилот билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистондан элликдан зиёд бола Европадаги нуфузли шифо масканларига даволанишига юборилган.

(ЎзА).

## ЮРТ ОБОДЛИГИГА МАСЪУЛМИЗ

«Бир умр ёдингизда қолган воқеалардан гапиринг» деб қолишди гурунларда. Бундай шодиёнлардан кўпи борми? Биринчи фарзандим туғилган кун, тўй қилиб, элга ilk ош берганим, ер олиб фермер бўлганим, дастлабки уйган хирмоним... Буларнинг бари хотирамда муҳрланиб қолган.

Ўтган ҳафтада наманганлик фермерлар учун яна бир қувончли воқеа бўлди. Президентимиз вилоятга сафари чоғида фермерлар билан учрашди. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиалидаги бу самимий суҳбатни телевизор орқали кўриб-эшитиб, яйраб кетдим. Ахир, Юртбошимиз, аввало, фермерларнинг турмуш шароитимиз, кейин меҳнатимиз билан қизиқди.

Бу замонда ишлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Узимиздан қиёс: бултур пахта ва галладан 11 миллион сўм соф фойда кўрдик. Озмунча маблағми бу? Бир йиллик фойдани илгариги йиллардаги жами даромадларим билан чоғиштириб кўриб, давлатимизнинг нечоғли оқилона йўл тутаётганини чу-

қурроқ агладим. Шунинг ҳисобидан иморат солиб, ўртанча ўғлимни уйли-жойли қилдим, маҳаллага тортилган электр тармоғи харажатларининг бир қисмига қарашли бўлдим. Аслида, бизнинг бу ишимиз денгиздан бир томчи, холос. Қувонарлик си, Президентимиз айтганидек, «эл юкени кўтара оладиган» биз, фермерларнинг кўмаги, саховабизнинг турмуш шароитимиз, кейин меҳнатимиз билан қизиқди.

Зеро, биз юрт ободлиги, эл фаровонлигига масъулмиз. Бу ҳаммамизни шижоат билан ишлашга ундамоқда.

Мамадали САТТОВ, Тўрақўрон туманидаги «Мамадали» фермер хўжалиги бошлиги.

## БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган Олий ҳарбий божхона институтида ilk битирувчиларга дипломлар топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари Абдулла Орипов, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси раиси Садрихон Носиров, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар Президентимиз Исломи Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Олий ҳарбий божхона институтининг бошқаруви билан

назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда юқори маънавият божхона ходимларини тайёрлашга йўналтирилган битирувчиларнинг тўрт йил давомида замон талаблари асосида жиҳозланган бой кутубхона, компьютерлаштирилган синфхоналар, криминалистика лабораторияси, спорт иншоотларидан фойдаланган ҳолда амалий тайёрликнинг интерактив шакллари ва усуллари асосида пухта таълим олдилар.

— Ўғлим Ҳуршидбекнинг Олий ҳарбий божхона ин-

ститутини имтиёзли диплом билан тугатгани мени жуда қувонтирди, — дейди андижонлик Муҳаммадкарим Махсумов. — Келажақда унинг ушбу соҳада самарали меҳнат қилиб, эл-юртимизга фойдаси тегадиган кадр бўлиб етишишини жуда-жуда истаيمان.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Абу Бақир ҲУРОЗОВ, ЎзА мухбири. Сардор ҲУРОЗОВ олган сурат.



Фаргона шаҳридаги «Автоойна» очик акционерлик жамиятида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун ойналар тайёрланади. Мамлакатимизда жорий этилаётган Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, бу ерда кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Акционерлик жамиятида дастлаб «Нексия», «Тико» ҳамда «Дамас» автомобиллари учун ойналар ишлаб чиқарилади эди. Ҳозир «Матиз» автомашинаси учун ҳам ойналар тайёрлана бошлади.

## «АВТООЙНА»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ



Қорхона маҳсулотлари ўзининг юқори сифати ҳамда чидамлилиги билан ажралиб туради. Чунки тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати доимий назоратда. Хорижий мамлакатларнинг энг илғор технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган бу ойналар барча замонавий талабларга жавоб беради. Улар мамлакатимиздаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устандаларига, шунингдек, россиялик бюртмачиларга етказиб берилаёттир. — Ишлаб чиқариш қувватларини тўла ишга солиш учун барча тадбирлар белгиланган, — дейди акционерлик жамияти директори ўринбосари Шавкатжон Турсунов. — Йилдан йилга бюртмалар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам жамиятимизда иш қизғин. Жорий йилда «ЎзДЭУавто» учун 160 миң комплектдан ортиқ автомобиль ойнаси ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу эса

бизга янада катта масъулият юклайди. «Кварц» ҳиссадорлик жамияти ҳам бизга ҳаммаёни ўз вақтида етказиб бermoқда.

Ҳозир жамиятда 430 нафар киши меҳнат қилмоқда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Ийрик санаот қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида бир чоратадбир олиб бориляпти.

Утган йили киркта янги иш ўрни яратилган эди. Бу йил эса касаначилик асосида олтишта янги иш жойи очик белгиланган. Улар, жамият бюртмасига кўра, асосан ўз уйларида турли халқ истеъмол молларини тайёрлаш билан шуғулланади.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.



# МАМЛАКАТ бўйлаб

Қарши шаҳрида «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Биз — бир жамоамиз» ёшлар акцияси ўтказилди.

**«Биз — бир жамоамиз»**



Акция доирасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши давлат университети ҳузуридаги 2-академик лицей ва Қашқадарь вилоятидаги қатор ўқув муассасаларида «Маданият ва санъат», «Ёшлар ахборот маркази», «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш», «Ахборот технологиялари», «Интеллектуал клублар ассоциацияси», «Таблим» сингари олти йўналиш бўйича тадбирлар ташкил этилди. Айниқса, ёшларни жипслик ва ҳамжиҳатликка чорловчи қизиқарили уйинлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Мазкур уйинлар давомида йигит-қизлар миллий қадриятларимизга қизиқишларини, Интернет ва он-лайн лойиҳалари, актирлик, расомчилик, замонавий ва классик мусиқа ижроси бўйича билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

Шунингдек, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан Қарши шаҳридаги кам таъминланган оила-лар вақилларига совғалар тарқатилди.

Тадбир сўнггида Муллаўйчи Тошмуҳамедов номидagi вилоят мусиқали драма театрида катта концерт дастури намойиш этилди.

## Билим ва кўникмалар синови

**«Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган «Биз — бир жамоамиз» ёшлар акцияси Хижза шаҳрида давом этди.**

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал имкониятларини юзага чиқариш учун етарли шарт-шароит яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Маданият ва санъат, ахборот технологияси, таълим соҳаларида ёш истеъдод эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш йўлида салмоқли ишлар амалга ошириллаётган.

## Завод ёшлари хиёбони

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи томонидан барпо этилган «Ёшлар хиёбони» барчанинг сеvimли масканига айланди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан барпо этилган хиёбонда завод ёшларининг кўнгилли дам олиши, спорт-соғломлаштириш машғулотларида қатнашиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Хиёбон ҳудудидаги спорт майдончасида волейбол, баскетбол, мини футбол, ёнгил атлетика сингари спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш мумкин. Ёшлар саёй-ҳаракати билан хиёбонга минг тупдан зиёд мевали ҳамда манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Хаво ҳароратини муътадил сақлаб туриш мақсадида арик ва ховузалар қазилди, фавворалар ишга туширилди, бежирим ва қулай ўриндиқлар ўрнатилди. Келгусида бу ерда ёшларнинг талаб ва истаклари асосида янги мажмуалар, савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиб, хиёбон ҳудудини кенгайтириш мўлжалланмоқда.



## Бирники — мингга

Қизирқ туманида исми жисмига монанд Богистон қишлоғи бор эди-ю, аммо 500 хонадонда яшовчи аҳоли ичимлик сувини узоқдан ташиб иккарди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси шу қишлоқ аҳолига ҳиммат кўрсатди: уч ярим километр масофага қувур ётқизибли, Хўжайқон сув тармоғидан обиҳаёт келтирилди. «Бирники — мингга» деганларидек, бундан кўриб, «Алимқул бобо», «Эгамберди Остонақулов», «Умид Хайитов» фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўз маблағлари ҳисобидан Богистоннинг етти километрлик ички йўлларига тошшагал қўйишди.

## «Лочин»да хайрия тадбири

29-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари дам олаётган Зомин туманидаги «Лочин» оромгоҳида Ижтимоий ҳимоя йилга бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайри я жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят кўнгирчоқ театри спектакллари намойиш этилди. «Замин» ашула ва ракс дастаси санъаткорлари эса болажонларга бағишланган куй-қўшиқлари ижро қилди. Халқаро хайрия жамғармаси томонидан тарқатилган салкам 1 миллион сўмлик спорт анжомлари, ширинликлар, тиббиёт санитария-гигиена воситалари тарбияланувчи ва мураббийларни ҳушнуд этди.


«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдида

# ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг ақинда вилоятимизга келиб, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунинг Сурхондарёдаги ижросини атрофлича ўрганганини шу соҳа мутахассиси сифатида қизиқиш билан

кузатдим. Расмийлик ва қоғоз тўлдирдишлардан тўдан фарқ қиладиган бу ўрганиш жараёни амалий фаолиятга йўналтирилгани, вазиятни ҳолис баҳолашга ҳамда аҳоли соғлигини сақлашни янада яхшилашга қаратилган ҳулосаларни ўртага ташлагани билан диққатни тортди.



Аввало, қўмита ўзининг икки ярим йиллик фаолияти давомида биргина вилоятимиз микёсида соғлиқни сақлаш тизими ислохотига алоҳида эътибор билан қараб келётганини таъкидламоқчиман. Воҳода ҳозирги кунда 240 та қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Шу давр мобайнида кардиология, ортопедия ва тан жароҳатларини даволаш, ташхис қўйишдек тўртта марказ ташкил этилди.

Қўмитанинг ҳамкорлиги ва маҳаллий ҳокимиятнинг ҳомийлиги туфайли марказий болалар шифохонаси, сил касалликлари, юқумли касалликлар шифохоналари мукаммал таъмирланиб, бу даргоҳларни замонавий тиббий жиҳозлашга эришилди. Қишлоқларда даволаш муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганидан одамлар мамнун. Ногиронларга, аёлларга, ижтимоий ҳимояга

десам, хато бўлмас. Ишчи гуруҳи ютуқлар билан ҳаволаниб қолмасликни уқтиргани ўринли эканини ҳам айтмоқчиман. Масалан, вилоятимизда врач мутахассислар кам. Ҳар 10 минг кишига 19 врач тўғри келади. Ёшларни шу соҳага ўқитиш масаласига эътиборни янада кучайтириш лозим.

Экологик муаммолар ҳамон ўз ечимини лозим даражада топаётгани йўқ. Тиббий профилактик тадбир-

Серга КАТТАЕВ, олий тоифали врач, тиббиёт фанлари номзоди.

Қадимги Грецияда «Пелопон уруши» дея ном олган қуролли можаро билан боғлиқ воқеалар тарихдан алоҳида ўрин олган. Ушунда Лесбос оролида жойлашган Митилена шаҳри аҳолиси Афинага қарши чиқади ва римликлар томонига ўтиб кетади. Афиналиклар Митиленани босиб олиб, душман тарафга сотқинлик қилиб ўтган грекларни қатл қилиш, уларнинг оилаларини ва фарзандларини қул қилиш масаласини қонун қабул қилувчи кенгаш — халқ мажлисига киритади. Ушунда ўлим жазосини қўллаш бўйича икки хил фикр тугилади. Бир томон мазкур жазони қўллаш керак деса, иккинчи тараф бунга қарши чиқади. Шунда узоқ мунозаралардан сўнг афиналик файласуф Диодот ўлим ўта қаттиқ жазо экани, уни қўллаш ҳеч кимга фойда келтирмаслигини амалий мисоллар билан исботлай олади. Натижада мажлис иштирокчилари ўлим жазосини қўллашга қарши овоз берадилар.

Ҳақиқатан ҳам, ўлим жазосини қўллаш ёки қўлламаслик масаласи мазоидан бугунги кунгача муҳокама этиб келинаётган. Чунки ўлим жазоси — бу энг олий жазодир. Ушбу жазо натижада инсон ва унга берилган олий неъмат — ҳаётдан ҳамда унинг барча ҳуқуқларидан маҳрум этилади. Бошқа жазолар қўлланилганда, масалан, озодликдан маҳрум этилганда одамнинг эркинликка нисбатан ҳуқуқи маълум бир вақт ёки умрбод тарзда чекланади. Суд томонидан айбдор деб топилган шахс алоқ тўзатиш ишларига жалб қилинади ва назорат остида бўлади. Унга нисбатан тегишли чекловлар жорий этилади.

Ҳўш, аслида жиноий жазонинг мақсади нима? Жиноий жазо қўллашнинг пировад мақсади — жиноят содир этган шахсини тарбиялаш, жамиятга хавф солиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийиш, керак бўлса, унинг хатти-ҳаракатларини одамларга фойдали томонга буришидир. Энди ўзининг айтиши: ўлим жазоси мана шу мақсадларга жавоб бера оладими? Бу борада ўтказилган тадқиқотлар ўлим жазоси юқорида қайд этилган мақсадларга эришилган ва мамлакатда жиноятчиликни камайитиришга хизмат қилмаслигини кўрсатди. Бундан ташқари, ўлим жазосини тайинлашда суд томонидан айрим ҳатоликларга йўл

қўйилмаслигига қафолат йўқ. Яна ўлим жазоси дин ва ахлоқ меъёрларига ҳам зидлиги барчамизга маълум.

Жаҳон мамлакатлари тақрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги кунда дунёнинг 122 та давлатида ўлим жазосидан воз кечилганини кўраимиз. Қайд этиш лозимки, «Халқаро амният» ташкилоти бундан 27 йил муқаддам Стокгольмда ўлим жазоси бўйича халқаро конференция чакриганда фақат 16 та мамлакат мазкур жазони бекор қилганда. Албатта, бу жараён хали давом этмоқда. Шунга қарамай, олий жазо қатор мамлакатларда сақланиб қолмоқда ва ҳатто уни қўллаш доира-си ҳам кенгайиб бораётган. Айрим давлатларда эса ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш масаласи умуман кўрилмапти.

2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенциясининг 13-сонли Баённомаси кучга кирди. Мазкур ҳужжатда ўлим жазоси, ҳеч бир истисноз билан қилиниши назарда тутилди. Умуман олганда, ўлим жазосига қарши бошқа учта халқаро битим мавжуд. Булар — Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенциясининг 6-сон Баённомаси, Фуқаролар ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга оид иккинчи қўшимча Баённома ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига ўлим жазосини бекор қилишга Баённомаларидир. Ўлим жазосига ҳар бир киши ўз дунёқараши, ички туйғуларидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади.

Кимдир ушбу чоранинг жазолаш тизимида қилиниши истаиди. Яна кимдир уни бекор қилиш тарафдори. Бугунги кунда ҳам ана шу қарама-қарши фикрлар юзасидан баҳслар давом этаётган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги тарихий Фармони инсонпарварлик ва олий-ноблик белгиси эканлиги юртимизда ҳам, хорижда ҳам эътироф этилмоқ-

Айтиш лозимки, ушбу Фармон мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти куриш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда муҳим омили бўлди. Энг муҳими, ана шу ҳужжат Конституциямизда эътироф қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг яқоли ифодаси эканини ҳам айтиш ўринлидир.

Шунингдек, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўровномасидан маълум бўлишича, ҳозирги кунда мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти ўлим жазосини умрбод қамоқ жазоси билан алмаштириш мақсада мувофиқлигини таъкидлаган ва Ўртбошимизнинг мазкур Фармонини қўллаб-қувватлашини билдирган.

Албатта, бундай натижаларга эришишда бу борада давлатимиз сиёсатининг аҳоли орасида фаол тарғиб этилиши ва оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ижобий таъсир кўрсатди. Энг муҳими, фуқароларимизнинг ўлим жазосига қарши овоз бераётгани уларнинг сиёсий онги тобора юксалаётгани, миллатимизнинг бағрикенглиги ва инсонпарварлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини доимий муҳофазада бўлган адолатли жамият барпо этишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Салим ДОНИЕРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЯШАШ ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенциясининг 13-сонли Баённомаси кучга кирди. Мазкур ҳужжатда ўлим жазоси, ҳеч бир истисноз билан қилиниши назарда тутилди. Умуман олганда, ўлим жазосига қарши бошқа учта халқаро битим мавжуд. Булар — Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Европа конвенциясининг 6-сон Баённомаси, Фуқаролар ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга ўлим жазосини бекор қилишга оид иккинчи қўшимча Баённома ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига ўлим жазосини бекор қилишга Баённомаларидир. Ўлим жазосига ҳар бир киши ўз дунёқараши, ички туйғуларидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади.

## Матбуот ва давр

# ХАҚҚОНИЙ СЎЗ СЕҲРИ

шундаки, у ўз ўрнида, ўз вақтида топиб айтилса, ҳолис ва чин бўлса, дилни дилга, элни элга ошно қилади, яхшиликка бошлайди.

Бугун ўзбек журналистидан талаб қилинаётган нарсаси ҳам шу. Аслида сўз (тил) инсонга берилган илоҳий неъмат. Демак, сўз — муқаддас, сўз — табарруқ. Сўзнинг муқаддаслигини, табарруқлигини ҳар бир инсон, айниқса, журналист чуқур англамоғи керак. Қўра-била туриб, оқни қора, қорани оқ деса, то ундай эмас, бундай дегунча, яшт қолидан кўчган бўлади. Сўз-товарга айланган, сўз сотилаётган ва сотиб олинаётган бир пайтда бу айрим хорижий журналистлар учун қўндалик оддий иш бўлиб қолди. Улар учун пул тўлашса, бас, кимлигининг аҳамияти йўқ, ушанинг ногорасига ўйнаверишади.

Ҳўш, айтинг-чи, жаҳонаро «сўз уйинлари» — ахборот хуржларига, ахборот урушларига айланиб кетиши оддий ҳол бўлиб қолган бир пайтда мен — оддий бир ўзбек журналисти нима қилишим керак? Ҳўшим, оилани, ота-онамни, ака-ука, опа-синглимни, қўшдошдошимни, маҳалладошимни тушумат, бўхтондан қандай асрашим, қандай ҳимоя қилишим даркор? Ҳўш, менинг уша айрим ажабий журналистлардан нима кам? Аксинча, улардан ўзимни зўрроқ, деб биламан. Нега? Чунки менинг сўзим рост. Қолаверса, мен ҳеч кимнинг буюртмасини бажараётганим йўқ. Фақат элимиз, юртимиз, Президентимиз шаънини ҳамма нарсадан баянд қўяман, ҳолис. Ҳўш, бунинг нимаси ёмон? Элимни, юртимни, Ўртбошимни улугласам, бунинг нимаси ажаб-ланарли? Боз устига, сўзим ҳолис, ҳаққоний, рост бўлса, халқимизнинг раҳбаримизнинг қандай буюқ ишларга қодирлигини оширмай-тоширмай ёзсам, мустақилликка кенган 16 йилдаги ишлар мағзини чақсам, бунинг нимаси қонунга хилоф? Ахир ҳовлик-май, ўпкани босиб, ётиги билан топиб айтилган ҳақ сўз нақ нилонга тегиши бор гап-ку? Назаримда, «Олтин қалам» халқаро танлови иштирокчилари ишларни баҳолашда ана шу жиҳат асосий мезон бўлган. Ва оддийгина «Қашқадарь» вилоят газетаси таҳририяти Бош миллий гула-кофотта лойик қўрилган. Сўнгги 2-3

моғи шарт. Шундагина унинг ҳар бир сўзи миллатимиз манфаатига хизмат қилади. Ўртбошимизнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзларини бир эсланг: «...кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюқ ишларга қодир эканлигини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бугун Ўзбекистонда амалга ошириётган кўндорлик ишларимизни келиб кўрсин». «Қашқадарь» газетаси



ўз туманингни, ўз вилоятингни, ўз мамлакатингни ўз вужудингдай ҳис қилишинг лозим. Акс ҳолда қовун тушириб қўйишинг, билиб-билмай душманларнинг тағирмонига сув қўйишинг ҳеч гап эмас. Демак, бугунги журналист билими, ҳамма нарсадан хабардор, фикр доираси кенг бўлиши шарт. Айниқса, сиёсатни чуқур англамоғи, жаҳон айвонига нималар бўлаётми-ю, унда мамлакатимиз қандай ўрин эгаллаб турганини билимоғи ва шунга яраша сўз танламоғи ва сўз ишла-

таҳририяти жамоаси халқимизнинг қандай буюқ ишларга қодирлигини баҳоли қудрат брийтишга ҳаракат қилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди қўлмигда таҳририятимиз қошида «Журналистик маҳорат маркази» ташкил этилганлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси томонидан уюштирилган семинар-кенгашлар, тажриба алмашу-лар жудаям асқотди.

Нарзулла РАВШАНОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси Қашқадарь вилояти бўлими раиси, «Қашқадарь» газетаси бош муҳаррири.



Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан қатор тадбирлар уюштирилмоқда.

## Ҳамкасблар тажриба алмашишди


Кўни кеча Бухоро, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида фаолият юритувчи ҳудудий телестанцияларда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмчаси ҳамкорлигида кўнча семинар ташкиллаш-тирилди. Унда 22 та ҳудудий теле-станция вакиллари иштирок этди. Тадбир қатнашчилари Бухоро вилоятидаги «Кинолот» ва «Осиё» телевидениелари ва Самарқанд шаҳрида жойлашган «Самарқанд-СТВ» телевизион ижодий уюмчаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шундай ҳолда «Жамоатчилик эфирга узатиш компанияси»нинг янги тасвирга олиш мажмуасининг очилми маросимда иштирок этдилар, узаро тажриба алмашдилар.

Тошкент шаҳрида ўтказилган анжуманда ЎзОАВнинг ҳамкорлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Анжуманда нодавлат телерадио-узатувчиларнинг 2007 йилга мўлжалланган ривожланиш дастури ижроси, ҳудудий телерадиостанциялар томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросининг ёритилиши каби масалалар муҳокама этилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига қўра, ривожланиш дастуридаги лойиҳаларда фаол ишти-рок этган телерадиостанциялар, ижодий ва техник ходимлар рағбатлантирилди.

Юлдуз РИЗАЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўринли эътироз



Мексика ҳукумати АҚШга норозилик нотаси йўллади. Гап шундаки, мамлакат жанубида чегара деворлари қураётган америкалик қурувчилар 5 километрлик масофага темир панжаралар ўрнатиш пайтида Мексика ҳудудига икки метр кириб кетишган.

Можарони жойида ўрганган халқаро комиссия, ҳақиқатан ҳам, Америка томони чегара деворини Мексика ҳудудида қурганини тасдиқлади. Шундан сўнг АҚШ ён кўшиқисидан кечирим сўради ва деворларни бузишга киришди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ чегара девори тиклаш орқали мамлакатга Мексика ҳудуди орқали ноқонуний кириб келаётган муҳожирлар оқимини камайтирмоқчи.

Нефть қазиб олиш яна бошланади

1997 йили Хитой ва Ироқ ўртасида ал-Ахдабдаги нефть конларини ўзлаштириш бўйича шартнома имзоланган эди. 2003 йилда Ироққа АҚШ қўшинлари киргач, бу ерда қора олтин қазиб олиш ишлари тўхтаб қолганди.



Расмий Бағдод яқинда Хитой давлат нефть компанияси билан тузилган шартномани қайта тиклади. Бу ҳақда Ироқ нефть саноати вазири Хусайн ал-Шахрестоний берган маълумотга таяниб, «Financial Times» хабар тарқатди.

Вазирнинг таъкидлашича, бундан ўн йил олдин тузилган 1,2 миллиард долларлик шартнома ўз қучида қолади ва Ироқ уни бажаришга тайёр.

Ядро реакторини тўхтатиш эвазига

ҚХДР ташқи савдо банкнинг Макаонинг Delta Asia банкида сақланаётган 25 миллион АҚШ доллари Оқ уй тазйиқи туфайли 2005 йилнинг декабрь ойида «музлатиб» қўйилганди. Бунга расмий Пхеньянинг ядро дастури бўйича олти томонлама музокаралар талабларини бажармагани сабаб бўлганди.

Қуни кеча ушбу маблағ Россиянинг «Далькомбанк» орқали эгасига қайтариб берилди. Бунинг эвазига ҚХДР Йонбендаги ядро тадқиқотларини тўхтатиши, шунингдек, бу ерга МАГАТЭ экспертлари киришига ва текширув олиб боришига рухсат бериши лозим.

Кеча МАГАТЭ ходимлари Пхеньяга етиб келиди. Лекин экспертлар текширув учун рухсат берилишига кўзлари етмайпти. Йонбендаги ядро тадқиқотлари қачон тўхтатилиши ҳам ҳозирча номаълум.

Вертолёт қулаб тушди

Ленинград вилоятининг Озерки посёлкаси яқинида АС-335 вертолёт сувага қулаб тушди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, дастлабки таҳминларга қарганда, унинг ҳалокатга учрашига учувчининг хатоси сабаб бўлган.



Вилоят прокуратураси ушбу ҳалокат бўйича жиноий иш очди. Ҳалокат жойида текширув-қидирув ишлари олиб бориляпти.

«Болтик авиалинияси»га қарашли мазкур вертолётда икки учувчи ва учта йўловчи бўлган. Бир учувчи ва бир йўловчи касалхонага ётқизилди. Икки йўловчига шу жойнинг ўзида ёрдам кўрсатилди. Бир учувчининг жасади қидириляпти. У вертолёт парчалари билан сувага чуқиб кетган, деб таҳмин қилинмоқда.

Бош вазир баёноти

Исроил ҳукумати қамқонлардаги 250 нафар фаластинлик фуқаронини озод этишини билдирди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Эхуд Ольмерт Мисрда ўтказилган Яқин Шарқ мамлакатлари саммитида таъкидлаб ўтди. Маълумотларга қараганда, озод этиладиган маҳбуслар ФАТХ ҳаракатининг аъзоларидир.

Бундан аввал Ольмерт ва Махмуд Аббос ўртасидаги ўзаро учрашувда томонлар муҳториятдаги сиёсий аҳвол оғирлашиб бораётганини айтиб ўтган эдилар.

Британияда торнадо

Бундан ташқари, Фарбий ва Жанубий Йоркшир, Бедфордшир ва Шропшир шаҳарларида тўрт марта торнадо кузатилди. Қучли тўфон уч кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Табиий офат сабаб ўн минглаб хонадонларда чиқроқ ўчди.

Декларация имзоланди

Истамбулда Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакат раҳбарлари саммити бўлиб ўтди.



Йигилишда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича декларация қабул қилинди.

Маъмур ҳужжат 23 боддан иборат бўлиб, унда иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш қўзда тутилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Президентимизнинг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган кунлар эди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда бир гуруҳ оқсоқоллар ҳам иштирок этишди. Уларнинг самимий сўзларида бугунги кундан шукроналик, бой тарихимиз, бетакрор маданиятимизга ҳурмат шундоққина сезилиб турарди.

— Шундай хайрли ишни бошлаган Юртбошимизга раҳмат! Аммо шунинг ёдда тутайликки, Самарқанднинг дунёвий макомга муносиб бўлиши йўлида ҳали кўп хизмат қилишимиз керак, — деди Ўзбекистон Қарамани Миромар Асадов. — Жаннатмакон шаҳар билан фахрлининг ўзи етмайди. Хар бир фуқаро ўз масканининг янада обод, чиройли, озода бўлиши учун ҳисса қўшиши ҳақида ўйлаши лозим. Ана шу эзгу ишларда давлатимиз раҳбарининг ўзи доимо жонқуярлик қилапти. Тарихий обидалар ва замонавий иморатлар кўринишини уйғунлаштириш юзасидан оқилона таклифлар берапти. Аниқроқ айтганда, Самарқанд шаҳрининг бош гоъвий меъмори бўлапти. Шундай бўлгач, биз нега четда туришимиз керак? Нима учун ёш авлодни миллий гуруҳ ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва сарфат руҳида тарбиялашдек муҳим ишдаги масъулиятимизни юз чандон оширмаслигимиз керак?

Бугун бундай гапларни нафақат Самарқандда, балки вилоятнинг узоқ кишлоқларида, оддий одамлар давраларида, тўйларда, йиғинларда эшитиш мумкин. Сўз Самарқанднинг кутлуг тўйи ҳақида кетдики, аввало, Президентимизнинг мазкур сана билан боғлиқ қарори тилга олинади. Жаҳон цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Самарқанднинг буюқ сиймолари, арслар билан ўзлашган ноёб тарихий-меъморий обидалари ҳақида мулоқот қилинди. Мустиқиллик давридаги ижобий ўғарилар эса алоҳида мавзуга айланади. Дарҳақиқат, Самарқанд

қадимдан буюқ ақл-заковат, маънавият бешиги, миллий давлатчилигимизнинг тарихий аънаёлари, халқ тафаккури юксак даражада камол топган, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келган улғу замин саналади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Самарқанднинг мовий гўмбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақш нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди. Биз ана шундай муқаддас, табаррук заминда яшаётганимиздан фахрланамиз».

Айни кунларда эса қадимий шаҳар бутун борлиги билан улкан бунёдкорлик майдонини эслатади. Қурилиши ниҳоясига етказилган, ишга тўширилаётган иншоотлар сон-саноксиз. Шаҳар жамоатчилиги-

нинг улар билан танишиб улғуришига бир кун камлик қилади. Айниқса, бу шаҳарни Кўҳак қирларидан, Чўпнота тепалиқларидан кузатиш мароқли. Табиатдаги яшиллик билан мўйсифид миноралар гўмбазларидаги мовийлик ўзаро уйғунлашаётгандек, боғлар таровати эса уларга мослашаётгандек, гўё.

Шу ердан яна бир ҳақиқат аққол англашлади. Улуғбек расадхонасидан то Гўри Амир ёдгорлик мажмуасигача бўлган масофада мавжуд барча осори-атиқалар бир йўналишда жойлашган. Аммо шу пайтга қадар уларни оралқиди турли хил бинолар бир-бирлари-

дан тўсиб турарди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан «Тошбошлан» ЛИТИ лойиҳа институти томонидан Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилгач, ана шу тўсиқлар бутунлай олиб ташланди.

мутафаккир номи билан аталиши бутун самарқандликларни қувонтирганани айтиб ўтиш жоиз. Бугун мазкур боғнинг файзи-таровати ўзгача. У меҳнаткашларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳақиқий оромгоҳи бўлиб қолди. Шаҳар бош режасида

Шохи Зинда ёдгорлик мажмуаси ўртасида ободлаштириш ишларининг бажарилиши, катта йўл бунёд этилиши, айниқса, ҳудуд кўрқига-кўрқ қўшди, йўловчилар учун қулайликларни юзага келтирди. Кўҳна шаҳарнинг янги объектлари қаторига мусиқа ва санъат коллежи ҳамда Концертлар зали биноларини қиритиш мумкин. Иккала қурилиш бўйича ўтказилган тендер танловида шаҳардаги «Чинор» ширкатларо қурилиш трести ғолиб бўлган.

— 720 ўринли касбхона коллежи ва 820 ўринли Концертлар зали учун 2 миллиард 308 миллион сўм маблағ ажратилган, — дейди мазкур трест раҳбари Шухрат Шакарров. — Ҳозиргача бу маблағнинг 1,5 миллиард сўмдан кўпроги ўзлаштирилди. Қурилиш ишлари эса жадал давом этапти. Мақсадимиз иншоотларни жонахон шаҳримизнинг 2750 йиллик тўйига ишга туширишдир. Бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида «Чинор» қурувчилари билан биргаликда «Бинокор», «Иншоотқурилиш», «Қурилиш кўча қарвон» масъулияти чекланган жамиятлари, «ХАТП-9» акциядорлик жамияти, «Зарафшон» қум-шағал қарвери каби ташкилотларнинг усталари ва ишчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бундан ташқари, ўнлаб транспорт ва механизмлар жалб этилган.


— Ҳа, бугун Шарқнинг гавҳари аталмиш Самарқанд ўзгача шуқуҳ ва тароват оғушида. Унинг барча ҳудудларида катта тўйга тайёргарлик қўриляпти. Тўйга тўёна ҳозирлаш борасида ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Президентимиз Қарориди таъкидланганидек, кутлуг сана Мустиқиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонланади. Демак, ўша кунлар бутун мамлакат аҳли учун қўшалок тўйга айланади. Ва ана шу тантаналарга ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларининг ташрифи ўзгача файз бағишлайди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАРИХИ БОЙ, МАДАНИЯТИ БЕТАКРОР



Гўри Амир ва Рўқобод мақбаралари, Регистон ансамбли, Мотирудий зиёратгоҳи, Жомье масжиди, Бибиҳоним ва Шохи Зинда ёдгорлик мажмуаларини Улуғбек расадхонаси билан туташтирувчи йўл қурилиши эса зиёратчилар ва хорижий сайёҳлар учун катта қулайлик яратди. Аниқроғи, бу йўналиш Самарқанд туризмнинг ривожланиши учун янги истиқбол эшикларини очди.



Шу ўринда шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғининг тўлиқ қайта қурилгани, унда шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилгани ва боғнинг улук

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаачиларни ва нашриёт ходимларини байрамлари билан муборакбод этади.

Хурматли юрtdошлар!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

аҳолига пластик карточка орқали замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«Микрокредитбанк» пластик карточкалари — бу:

• Ҳар ойда олиш мумкин бўлган йиллик 14 фоиз даромад.

Шунингдек,

• Пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган «Хазина карт» омонат тури мавжуд бўлиб, (бошланғич сармоя 500 минг сўм) йиллик 20 фоиз даромад олишингиз мумкин.

Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда ҳам пулингизни йўқотмайсиз. Харажатларни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.

• Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» АТБ аҳоли учун қулай, сақланиш мuddати 15 кундан 15 йилгача бўлган куйидаги мuddатли омонат турларини таклиф қилади:

Table with 2 columns: Deposit type and interest rate. Includes «Нурафшон», «Нуроний», «Сихат-саломатлик», «Тежамкор коммуналчи», «Истеъмом жамғармаси», «Она юрт», «Ҳомий», «Шифокор», «Мафтункор», «Мучал тўйи», «Омад», «Муддатли мақсадли», «Мададкор», «Кумуш толаси», «Камалак», «Хотира», «Орзу», «Меҳрибонлик».

Маълумот учун телефонлар: 173-33-25, 173-28-11.

Хизматлар лицензияланган

«ИСТЕЪДОД» — МУАЛЛИМГА ҚАНОТ

«Маънавият ва маърифат», «Инновацион технологиялар», «Тарбиявий ишларни ташкил этиш», «Ахборот технологиялари ва масофафи ўқитиш» каби ўқув дастурлари бўйича тажриба орттирди. Эътиборлики, бу даргоҳда замонавий педагогик технологиялар асосида билим тўлаб, хорижий давлатларда тажриба алмашиб қайтган махсус мураббийлар ҳар бир тингловчи билан алоҳида шуғулланади. Биз Р.Ишмухамедов, З.Халилова, М.Исҳоқов, А.Маъруфов, М.Ғуломов, З.Исмоилов каби мутахассисларнинг суҳбат ва маъруза тарзидаги қўзғалмаш машғулотида қатнашиб, ўз иш услубимизни янада бойитдик. Эътироф этиш ўринлики, бу ерда малака оширган тингловчилар моҳир мураббийларнинг ҳар бир машғулотини алоҳида услубий қўлланма сифатида чоп этса арзийди, деб баҳоладилар.

Жамғарма мутасаддилари ҳам машғулотлар жараёнини тўғри ташкил этиш, тартиб-интизомни таъминлаш, қолаверса, ҳар бир мураббий машғулотидан сўнг тингловчилар орасида сўрономга ўтказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда. Олиб борилаётган бу ишларнинг амалий ифодаси тингловчилар талабидан келиб чиқиб, танланган маҳоратли мураббийлар мисолида ўз аксини топган.

Гуруҳимиз тингловчилари учун ўтказилган турли қизиқарли ўйинлар ёрдамида замонавий педагогик технологиялар сир-асорини мукаммал ўзлаштиришга эришдик. Қолаверса, тушлик пайти ҳам тинмайидиган баҳсу мунозаралар, табиат қўйнида олиб борилган дарслар туфайли ижодий салохиятимиз янада ошди. Маънавий-руҳий жиҳатдан кучимизга-куч қўшилди. Бир ойлик малака ошириш машғулоти якунига етгач, тингловчиларга дарсларни ўзлаштиришнинг даражасига қараб, махсус гувоҳномалар тақдим этилди. Лекин, муҳими, бу эмас. «Истеъдод» жамғармасида малака ошириш ўқитувчи учун келгусидаги фаолияти янада теран билим, бой тажрибага асосланган бўлишида муҳим ижодий имкониятлар эшигини очди.

Рихис ИБРАТИМОВА, Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси, Сабоат УРУНОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси.

Бари — болажонларга

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими «Лочин» болалар оромгоҳида хайрия тадбирини ўтказди.

Зомин тоғлари бағрида жойлашган мазкур оромгоҳда Жиззах шаҳридаги 29-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари мароқли дам олмақда. Бу ерда ёғи таътилини мазмунли ўтказиш учун барча шароит яратилган. Ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вакиллари таъриф ҳам болаларни ҳушуд этди. Жамғарма томонидан дам олувчиларга спорт анжомлари, тиббий-санитария воситалари, турли ширинликлар тортиқ қилинди.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Ўз мавсумига бошқа жойларда бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Шаҳарлардан ташқарида жойлашган, турли ташкилот-корхоналарга қарашли ўндан зиёд соғломлаштириш масканлари, шунингдек, мактаблар қошидаги кўплаб оромгоҳлар ўқувчи ёшларни бағрига олди.

# Чиниқиш мавсуми

Бекободдаги "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва "Бекободцемент" ҳиссадорлик жамиятининг "Металлург", "Еш цементчи", Чирчиқдаги "Электркимёсаноат" ва "Ўзбеккимёаш" очик акциядорлик жамиятларининг "Кимёгар", "Хумо", Олмалик кон-металлургия комбинатининг "Тонг", "Тошпахтасаноат" худудий бирлашмасининг "Келажак" сингари истироҳат муассасаларида фарзандларимиз таътил ойларини ҳар галгидек мазмунли ўтказишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Масалан, биргина



## Ўзги таътил

"Еш цементчи"ни мавсумга ҳозирлаш учун 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ, етарли микдорда техника воситалари ва ишчи кучи ажратилди. Эвазига оромгоҳ биноси ва сузиш ҳавзаси тўдан таъмирланиб, атрофи девор билан ўралди. Болаларнинг кизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда "Хайвонот олами" жонли бурчаги очилди. Алоҳида гигиена хонаси қурилиб, ошхона учун янги музлатгич харид қилинди. Дам олувчиларни сифатли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини эса корхона билан шартнома тузган "Бекободсаудо", "Муруват" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Болажон" фирмаси ўз гарданига олди.

Еки бошқа мисол. Бу йил Чиноз туманидаги учта мактаб қошида 501 нафар бошланғич синф ўқувчисига хизмат кўрсатувчи ёзги оромгоҳлар ташкил этилди. Шу муносабат билан мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғарақлари ва кутубхоналари вақтинчалик мазкур гушаларга кўчирилди. Хомийлар эса ўз ҳисобларидан 7,8 миллион сўмга яқин сармоя ажратишга аҳд қилдилар.

Вилоятдаги бошқа оромгоҳларда ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

ди. Пировардида ўз бўйи 22350 нафар ўғил-қизнинг обдон яйраб-яшнаб, болалик завқини суриши учун имконият яратилди. Улардан 270 нафари «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, 360 нафари кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оила-лар фарзандлари бўлиб, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан барчаси бепул дам олади. Худди шундай имкониятлардан Оролбўйи минтақаси — Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келадиган 1000 нафар бола ҳам баҳраманд бўлади. Улар Тошкент вилояти худудидagi тоғ ёнбағирларидаги сўлим масканларда имтиёзли равишда ҳордиқ чиқаришадди. Бу эзгу мақсадлар учун 822,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

Барча оромгоҳларда турли-туман тўғарақлар, кутубхоналар, маънавият ва маърифат бурчақлари мунтазам ишлаб туради. Бундан ташқари, махсус тайёрларидан ўтган тарбиячи, етакчи ва мутахассислар бошчилигида ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилади, ранг-баранг мавзуларда кўриктанловлар, адабий-бадий тадбирлар уюштирилади. Демак, фарзандларимиз оромгоҳларда фақат кўнгилли дам олиш билангина қияфланмайдилар, балки жисмонан чиниқиб, мактабда олган билимларини янада бойитиб, ўз дунёқарашларини ҳар қачонгидан-да кенгайтирадилар. Янги-янги дўстлар орттириб, ота-оналари бағрига, қадрдон мактаблари кучоғига олам-олам таассуротлар билан қайтадилар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбек ҳакамлари жаҳон чемпионатида боради

Шу йилнинг июль ойида Канаданинг Торонто шаҳрида футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда ўзбекистонлик ФИФА рефереси Равшан Ирматов ва ФИФА рефереси ассистенти Абдухамид Расуловлар ҳам ҳакамлик қилишади.

Одатда, ФИФА ҳакамлари босқичма-босқич аввал ўсмирлар, кейин ёшлар, ўндан сўнг катталар ўртасидаги чемпионатларда қатнашишади. Равшан Ирматов 2003 йилда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳакам сифатида иштирок этган. Шу нуктаи назардан олиб қарасак, у 2010 йилда ЖАРда ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилишига умид қилса бўлади.



# «Асака»

давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси

## 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриётлар ходимларини самимий муборакбод этади!

Сиз азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

## «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Қадрли дўстлар! Юртимиз равнақи, унинг гуллаб-яшнаши йўлида ҳеч қачон ҳорманг, толманг. Ишларингизда муваффақият, оилангизга бахт-саодат тилаймиз.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг актери, Ўзбекистон халқ артисти Мирҳосил Ориповга ўғли Ойбек ОРИПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси кичик илмий ходим Диловар Акбаровага онаси Азиза МАҲМУДХОДЖАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**«BTL ARZI MEDIA» агентлиги жамоаси**

барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

Ушбу шодиёна кунда сизларга муштаққатли соғиниқ, бахт-саодат, омад, ижодий ишларингизда қилган муваффақиятлар тилайди!

## ДСК Ахборот хизмати хабар қилади



### 7 миллион чўнтакками?

Каттакўрғон тумани ДСИ ходимлари томонидан айрим корхоналар фаолияти таҳлил қилинганда, тумандаги "Кувонч КСИ" хусусий корхонаси мансабдор шахслари савдодан тушган салкам 7 млн. сўмини назорат касса машинасидан ўтказмаганлиги маълум бўлди. Энди улар қонун олдида жавоб берадилар.

### Товламачилик ўтмади

Пайарик тумани ДСИ ходимлари солиқ қонунчилиги юзасидан текширишлар ўтказганларида, "Челак-консерва" МЧЖ томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақ-

садли жамғармаларга тўлиниши лозим бўлган солиқ ва бошқа турдаги тўловлар бўйича жами 31 млн. 841 минг 400 сўм қўшимча ва 5 млн. 380 минг 400 сўм устима ҳисобланганлиги аниқланди. Бундан ташқари, корхонада Вазирлар Маҳкамасининг 511-сонли қарори ижроси бўйича ҳам хатоликлар аниқланди. Бунга йўл қўйган масъулларга нисбатан, қонунчиликка қўра, маъмурий қоралар кўрилди.

### Қонун барчага баробар

Навбахор тумани солиқ идораси ходимларининг навбатдаги текширишлари давомида "Спаркент-гулшани" фирмасига қарашли савдо дўконда савдодан тушган нақд пул назорат касса машинасидан ўтказилмаганлиги ва ҳеч қандай ҳужжатсиз салкам 400 минг сўмлик спиртли ичимликлар ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди. Спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олинди, қоидабузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

### Қинғир ишнинг охири вой

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ДСИ ходимлари тумандаги тадбиркор О.Алиходжаевга қарашли дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказдилар. Текшириш жараёнида тадбиркор томонидан салкам 350 минг сўм НКМга қирим қилинмаганлиги, шунингдек, қарийб 1 млн. 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳеч қандай ҳужжатларсиз ноқонуний равишда сотилаётганлиги аниқланди. Ушбу маҳсулотлар далилий ашё

сифатида олинди, қоидабузарга нисбатан жиноят иш қўзғатилди.

### Ҳўжжатсизми — сифатсиз

Зарафшон шаҳар ДСИ ходимларининг рейд-текшируви давомида "Талибарзу" хусусий фирмасига қарашли "Мадина" кафе-сидида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, қиймати 300 минг сўмлик 118 шиша ароқ муҳсулотлари билан савдо-сотик қилинаётганлиги аниқланди. Ушбу маҳсулотлар давлат ҳисобига мусодара қилиниб, қоидабузарга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

### Нафси ҳаққалаган раҳбар

Марғилон шаҳридаги "Пойабзал ҳомашёси" фирмаси раҳбари З.Мўминов савдодан тушган жами 40 млн. 173 минг 800 сўм нақд пулни банкка топширмагани, бошқа мақсадларга ишлатиб юборганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан ДСИ ходимлари томонидан дарҳол тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Натижанда З.Мўминовга нисбатан ҳуқуқ-тартибот идораси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

### "Нафсим менинг балодур"

Урганч тумани ДСИ ходимлари томонидан тумандаги "Қаримбой Яраш" хусусий фирмасида текшириш ўтказилганда, сотувчи И.Худойбергандон савдодан тушган 4 млн. 559 минг 210 сўмини назорат касса машинасидан ўтказмаганлиги ошқор бўлди. Ушбу хатти-ҳаракати учун қоидабузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.



## Халқ сўзи Народное слово

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Ф. Санаев. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6